

Мақсад йўлидаги мажбурият

График дастурлардан фойдалана олиш катта тажриба ва малакани талаб этади. Барча жараёнлар компьютер оламига қўчганлиги сабаб.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти бошланғич ташкилоти қошида талабаларга график дастурлар бўйича илк сабоқларни бериш йўлга қўйилгани қувонарлидир.

Худди шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари Ш.Ҳамидуллаев ва Ф.Хамдамова раҳбарлигида ташкил этилган “График дастурлар” тўғараги томонидан Corel-DRAW дастурида ишлаш бўйича мусобақа ўтказилди.

Мусобақада тўгаракнинг фаол аъзолари якка ва жамоа бўлиб иштирок этишди. Мусобақа шартига кўра, ташкилотларнинг рамзларини Corel-DRAW дастури ёрдамида чизиш ҳамда креатив ёндашган ҳолда, ўз ғояларига асосан безаш вазифаси берилди.

Мусобақани “ЕФ ва ЕК” факультети ёшлар етакчиси Ш.Абдуқодиров, институтимиз магистранти С.Холова ва “Г ва ГИ” кафедраси ассистенти А.Инамов кузатиб боришди ҳамда жараёнини муқобил тарзда баҳолашди. Мусобақа якуний натижаларига кўра, ўринларни қуйидагича эгаллашди:

1-ўринни Кучимбоев Сарвар «ГМ» факультети 1-курс талабаси

2-ўринни Норбоева Дилшода «ЕФ ва ЕК» факультети 2 - курс талабаси

3-ўринни Қамбаров Бахтиёр «ЕФ ва ЕК» факультети 2 - курс талабаси

Мусобақанинг тақдирлаш маросимида институтимиз Илмий ишлар бўйича проректори Т.Султонов иштирок этдилар ҳамда ғолибларни диплом ва эсталик совғалари билан тақдирладилар. Мусобақа давомида фаол иштирок этган талабалар ҳам фахрий ёрлиқ ҳамда эсталик совғалари билан тақдирланди. Тўгараклар фаолияти давом этади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи талаба-ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади. Талаба ёшларнинг касбий салоҳиятини оширишга кўмаклашади. Мусобақани ташкил этишда яқиндан ёрдам берган институт Илмий ишлар бўйича проректори Т.Султоновга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



ЁИ институт бошланғич ташкилоти етакчиси Акмал Бердимуродов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.